

**АФСОНА** — (форсча — хикоя) халк огзаки ижоди жанри. У хаёлот, уйдирма ва тўкимадан иборат бўлса ҳам, сўзловчи ва тингловчи томонидан хакикатдек тасаввур этилади, хатто баъзи афсоналарда воқеалар бўлиб ўтган вақт ва макон ҳам кўрсатилади. Афсоналар элдан-элга, огиздан-огизга ўтиб юради, ифода усули баён тарзида бўлади. Ривоятлардан фаркли ўларок афсоналарда, албатта, мўъжиза, сеҳр-жоду билан боглик ходисалар мавжуд бўлади.

Афсоналарни соф мифологик ҳамда тарихий воқеа-ходисалар хақидаги турларга ажратиш мумкин. Биринчи туркумга «Одами Од», «Анбар она», «Хазрати Хизр», иккинчи туркумга «Девкалъя», «Илон бузган», «Калта Минор», «Ширин киз» сингари афсоналар киради.